



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2016 йил 12 март, № 50 (6485)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Қорақалпоғистон Республикаси:

## ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР



Асрлар бўйи сокин уйкуда ётган Устюрт кенгликлариди ҳаёт қайнайди. Ажабо... Мўъжизанинг ўзгинаси! Қаранг, бир пайтлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган саҳро бағрида йиғирма беш йил ичида шунча янгилаш, шунча ўзгаришлар... Бегоён кенгликлар боғу роғларга бурканиб, шаҳару овуллар обод ва кўркам қиёфа касб этмоқда. Бу ерда барпо қилинаётган йирик sanoat мажмуалари нафақат Оролбўйи худуди, балки бутун мамлакатимиз равақидида муҳим ўрин тутаётгани қувонарлидир.

### МУСТАҚИЛЛИК ИНШОТЛАРИ

“Кўнғирот сода заводи” унитар корхонаси ана шундай гигант ишлаб чиқариш мажмуаларидан биридир. Айни пайтда бу ерда тайёрланётган ноёб хом ашё — кальцийлаштирилган сода бир қатор давлатларга экспорт қилинаётган. Эътиборли жиҳати, айни кунларда мажмуанинг йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 100 минг тоннадан 200 минг тоннага кўпайтириш чоралари кўриляпти. Бу эса яқин истиқболда 276 кишининг бандлигини таъминлаш имконияти тугилади, дегани. Шу

мақсадда Президентимиз қарори асосида корхона қошида Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлими ташкил этилиб, унда йилга 65 нафар бакалавр, 15 нафар магистр тайёрлаш йўлга қўйилгани Кўнғирот сода заводи малакали кадрлар билан таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ана шундай муҳим объектлар хусусида сўз юритганда, Жанубий корейлик инвесторлар ва мутахассислар билан ҳамкорликда Сурғил қони негизда барпо



этилган Устюрт газ-кимё мажмуасини ҳам алоҳида тилга олиш жоиз. Умумий қиймати 4 миллиард АҚШ долларидан ошадиган ушбу иншоот юқори технологияларга эга дунёдаги йирик замонавий корхоналардан бири, десак, мулоҳаза бўлмайди. У ишга туширилиши билан йилга 83 минг тонна ноёб полипропилен тайёрлашга киришляпти. Ваҳолонки, бу турдаги маҳсулот илгари республикамизга четдан, валюта ҳисобига олиб келинганини эътиборга олсак, Оролбўйи-

даги мазкур истиқболли лойиҳанинг нечоғли катта аҳамият касб этиши ойдинлашади. Қолаверса, мажмуада ҳар йили тайёрланадиган 3,7 миллиард кубометр табиий газ, 387 минг тонна полиэтилен, 102 минг тонна пиролиз бензин ҳамда бошқа ноёб ашёлар мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилади. Бинобарин, корхона тўла қувватга эришгач, 1 минг 400 киши доимий иш жойи билан таъминланади. Бундан тўрт йил муқаддам

Буюк Британиянинг консалтинг компанияси томонидан эълон қилинган рейтингда Устюрт газ-кимё мажмуаси дунёнинг ўн та глобал инвестициявий лойиҳалари қаторидан жой олгани ҳам бежиз эмас. Президентимиз ташаббуси билан тамал тоши қўйилган объектдан ҳозир қунига 1100 тонна полипропилен, 250 тонна полиэтилен, шунингдек, синтетик ёқилги буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

(Давоми 4-бетда).



### МУНОСАБАТ

Аёлни улуғлаш, унга келажақ авлод тарбиячиси сифатида эҳтиром кўрсатишдек азалий қадриятларимиз истиқлол шарофати билан янгича маъно-мазмун касб этиб бораёпти. Хотин-қизларнинг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, интеллектуал салоҳияти, ишбилармонлик фазилатларини рўйбга чиқариш каби устувор йўналишлардаги саъй-ҳаракатлар қамрови тобора кенгаймоқда.

## Қонун ижодкорлиги жараёнининг фаол иштирокчиси

Натижада улар оилада ҳам, давлат ва жамият ҳаётида ҳам ўз макеига эга бўлаётган. Бинобарин, Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригида хотин-қизларимизнинг нафақат кундалик турмушда, балки давлат миқёсидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўрни ва роли тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугунги кунда аёлларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий фаоллиги сезиларли даражада ошган. 2004 йилда парламентимиз томонидан “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги Қонунга ўзгаришлар киритилиб, сиёсий партиялардан кўрсатилаётган жами номзодларнинг камида 30 фоизини хотин-қизлар ташкил этиши лозимлиги белгилаб қўйилгани қонун ижодкорлиги соҳасида аёлларнинг муносиб иштирокини таъминлашда айни мудоа бўлди.

фаоллигини юксалтириш мезонларидан бири уларнинг демократик институтлар, жумладан, сиёсий партиялардаги ролини кучайтиришдан иборат. Шу маънода, республикамиздаги мавжуд тўрт сиёсий партия фаолиятида хотин-қизларнинг сафи кенгайиб бораётгани гоётада қувонарли. Бу эса турли жаҳаларда фаолият юритаётган аёллар — хусусий тадбиркорлик, илм-фан, маданият ва бошқа соҳалар ривожига ўз хиссасини қўшаётган опа-сингилларимиз манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда.

Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида хотин-қизлар сони 16 фоизни, Сенатда 17 фоизни ташкил этаётган, ижро этувчи органларда, суд идораларида чўқур билим ва малакага эга юзлаб аёллар фаолият юритаётгани фикримизни яна бир қарра тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда).

## «Ўзбекистон ўз олдига қўйган барча стратегик вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда»

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси Буюк Британия экспертлар ҳамжамиятида ҳам катта қизиқиш уйғотди. Мазкур маъруза юзасидан, жумладан, “Британия — Ўзбекистон жамияти” раиси Хартли БУТ кўйидаги фикр-мулоҳазаларни билдирди:

### ЭЪТИРОФ

— Ўзбекистон билан ўрнатилган яқин ҳамкорлик туфайли кўп йиллардан буён юртингиз тараққиётдан хабардор бўлиб келаяпман. Эътиборлиси шундаки, кейинги йилларда

жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий жараён кузатилаётган бўлсада, Ўзбекистон рақобатдош ҳамда диверсификациялашган иқтисодиётга асосланган замонавий

демократик давлатни барпо этиш йўлидан оғшмай олдига қараб дадил ҳаракатланмоқда.

Дунёда ўз олдига шундай мақсадни қўйган мамлакатлар кўп. Аммо Ўзбе-

кистоннинг ўзига хослиги шундаки, сўнгги пайтларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишда салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилиши баробарида, бу йўналишдаги жараён изчил давом эттириляпти. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкин, кейинги ўн бир йил давомида юртингизда иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатлари сақланиб келинаётгани 2030 йилга бориб, яқин ички маҳсулот ҳажмини камида 2 баробар ошириш имконини беради.

(Давоми 2-бетда).

## Қишлоқ хўжалигидаги янгилашлар

ҳаётимиз фаровонлиги ва дастурхонимиз файзу баракасини таъминламоқда

Мамлакатимиз иқтисодиётининг барча тармоғи каби аграр секторда ҳам Президентимиз томонидан кенг қўллами, ҳар томонлама пухта ўйланган ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида соҳада барқарор ўсиш суръатлари таъминланмоқда.

### ТАҲЛИЛ

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг ўсиши ўртача 6-7 фоизни ташкил қилаётганлиги, республика аҳолиси сонининг мутасил ортиб боришига қарамай, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат товарлари ҳажмининг бир неча баробаргача кўпайганлиги соҳада ислохотлар стратегияси нақадар тўғри танланганлигидан далолат беради.

хотлар, яратилган қулай шарт-шароит, қолаверса, деҳқон фермерларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли 2015 йилда ҳам соҳада улкан ютуқларга эришилди. Утган йили эл-юрт хирмонига 7 миллион 500 минг тоннадан зиёд дон, 3 миллион 350 минг тоннадан кўпроқ пахта хом ашёси етказиб берилди, мева-сабзавотчилик, полизчилик, чорвачилик, пиллачилик ва бошқа тармоқлар бўйича ҳам

юқори натижалар кузатилди.

Бу муваффақиятлар осонгина қўлга киритилгани йўқ, албатта. Деҳқон ва фермерларимиз қишлоқ изгирини-ю, баҳор инжиқликлари, ёзнинг ислоҳ этиши мотанат билан енгиб, куну тун астойдил меҳнат қилдилар. Қолаверса, илгор хорижий давлатлар тажрибасини чўқур ўрганган ҳолда, соҳани ислоҳ этиш бўйича ўта муҳим чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани, қишлоқда бозор муносабатлари жорий қилиниб, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш учун ҳуқуқий, техникавий ҳамда молиявий шарт-шароитлар тўлиқ яратиб берилганлиги соҳада эришилаётган ютуқларнинг муҳим омили бўляпти.

### Ютуқларнинг мустаҳкам пойдевори

Қаерда эркин ишлаб, меҳнати натижасидан баҳраманд бўлиш учун қулай муҳит яратилса, ўша жойда тараққиёт, фаровонлик кузатилиши турган гап. Қувонарлиси шундаки, бугунги кунда юртимиз деҳқону фермерлари ана шундай шарт-шароитларга эга. Жумладан, экин-тикин учун уруғлик, минерал ўғит ва бошқа зарурий ресурслар бевосита фермернинг даласи бошигача етказиб берилиб, барча турдаги хизматлар кўрсатиляпти. Шу билан бирга, улар молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда.

Умуман олганда, қишлоқ хўжа-

лиги экинларидан мўл ва сифатли ҳосил етиштирилишида соҳада ишлаб чиқаришни жадаллаштириш, селекция ва уруғчилик ишларини яхшилаш, ғўза, бошоқли дон ва бошқа экинларнинг янги серхосил навларини районлаштириш, замонавий тежамкор агротехнологияларни амалиётга кенг татбиқ этиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар муҳим омил бўлиб хизмат қилаётган. Қолаверса, бу каби юксак натижалар Президентимиз ташаббуси билан жорий қилинган фермерлик ҳаракати амалда ўзини тўла оқлагани, деҳқонларимиз нақадар улкан ишларни бажаришга қодир эканлигининг ёрқин намунаси бўлди.

(Давоми 2-бетда).

# Фуқаролар йиғинлари сайловига тайёргарлик муҳокама қилинди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари, Сенат Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи

комиссияси раиси ўринбосари С. Артикава сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари тўлиқ рўёбга чиқарилиши учун ташкилий-ҳуқуқий шартшароитлар яратиш бериши, сайлов жараёни барча иштирокчиларнинг қонун ҳужжатлари талабларига тўлақонли

риоя этишларига эришиш, аҳолини фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларига кўрсатиладиган номзодлар, уларнинг ахлоқий ва бошқа фазилатлари билан таништириш муҳим эканига эътибор қаратди.

Хозирги вақтда Сенат Кенгаши Комиссияси томонидан фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш жараёнининг қонунийлигини, очик-ошкоралигини таъминлаш, сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини кенг тушунтириш, ҳудудий кўмаклашувчи комиссиялар фаолиятини

мувофиқлаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ДИЛ СЎЗИ

Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табригида опа-сингилларимизнинг мамлакатимизда амалга оширилатган кенг кўламли ислохотлар жараёнидаги иштироки ва кўлга киритаётган натижалари чўқур тахлил қилинди.

## Аёлга эҳтиромнинг юксак намунаси

**Раъно ХАЙИТКУЛОВА, Ангрэн шаҳридаги Мирзо Улуғбек номидаги маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, «Шуҳрат» медали соҳибаси:**

— Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз хотин-қизларига йўлаган байрам табриги юртимиз аёлларига билдирилган меҳр-муҳаббат, гамхўрлиги эътиборининг олий ифодаси бўлди.

Унда жамиятимиз тараққиётини бугунги юксак босқичга кўтаришда маҳалла маслаҳатчиларининг ҳам бекиёс ҳиссаси борлиги, уларнинг соғлом муҳитни ҳамда оилаларни мустаҳкамлаш, шу жумладан, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошираётган ишлари алоҳида таъкидлангани бизга чексиз ғурур бағишлади.

Саккиз юз нафардан зиёд киши истиқомат қилаётган фуқаролар йиғинида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилаларда соғлом муҳит ва репродуктив саломатлиқни таъминлаш ишлари изчил амалга ошириляпти.

Фаолиятимизда хотин-қизлар бандлигига алоҳида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки сеvimли машғулот билан шугулланадиган, рўзғорига фойдаси тегадиган аёлнинг кайфияти кўтаринки, оиласи мустаҳкам бўлади. Бу эса оила маънавиятига, фарзандлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Хусусан, бахорнинг дастлабки кунларида маҳалламизда иш бошлаган тикувчилик корхонасида 24 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди.

Давлатимиз раҳбарининг табригида билдирилган фикр-мулоҳазалар бизни руҳлантирди ҳамда ишимизга бўлган масъулиятни янада оширишга ундади.

**Дилором ЗОХИДОВА, «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси:**

— Халқро хотин-қизлар куни арафасида наманганлик бир ғурух фаол дугоналарим билан пойтахтимизга ташриф буюриб, байрам тантаналарида қатнашдик.

Маслаҳатчиларнинг профилактика инспекторлари ва бошқа давлат органлари ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширган ишлари тўғрисида утган йили вилоятимиздаги 360 та фуқаролар йиғинида умуман жонноят содир этилмади.

Соглом оила ва бола йилда олдимизда талайгина вазифалар турибди. Жумладан, тиббиёт муассасалари вакиллари билан ҳамкорликда оналик ва болаликни муҳофазалаш, никоҳланувчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича 600 мингдан ортиқ учрашув ҳамда давра субҳбатлари ташкил қилиш режалаштирилмоқда.


Президентимизнинг Ўзбекистон хотин-қизларига йўлаган байрам табриги ўқиб эшиттирилганда, қалбим қувонч ва ҳаяжонга тўлди. Чунки унда мен фаолият кўрсатаётган соҳа вакилларининг меҳнати алоҳида эътироф этилди.

Вилоятимизда фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимида бугунги кунда 769 нафар обрўйи ҳамда фаол хотин-қиз фаолият кўрсатмоқда.

Умуман, табрикда билдирилган фикрлардан ўзимиз учун қатор вазифаларни белгилаб олдик.

**«Жаҳон» АА,** Лондон

**З. ХОЛТЎРАЕВ ёзиб олди.**



## Қонун ижодкорлиги жараёнининг фаол иштирокчиси

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Давлатимиз раҳбари ўтган йили Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида парламент олдида турган бир қатор муҳим вазифалар ҳақида тўхталиб, қабул қилинаётган қонунларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш, қонун лойиҳаларини давлат бошқаруви, фуқаролик жамияти институтларининг турли даражаларида амалий жиҳатдан муҳокама қилинишини ташкил этиш мақсадга мувофиқлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиқиб, Қонунчилик палатасида қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш амалиётига бир қатор янгилıklar жорий қилинди. Хусусан, лойиҳалар жамоатчилик, малакали мутахассис, эксперт ва фуқаролик жамияти институтлари вакиллари жалб қилинган ҳолда, жойларда қизгин муҳокамалардан ўтказилаяпти.

Ушбу жараён жамият ҳаётида аёлларнинг роли кундан-кун ошиб бораётганини кўрсатаётди. Утган даврда парламент томонидан қабул қилинган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги (янги таҳрири), «Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида»ги қонунларни, шунингдек, Қонунчилик палатасида муҳокамадан ўтган янги таҳрирдаги «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан жойлардаги фаол аёлларимиз амалиёт билан боғланган ҳолда, қонун нормаларини такомиллаштиришга қаратилган асосли тақлиф ва мулоҳазаларини билдирилди.

Эътиборлики, мазкур тақлиф ҳамда мулоҳазалар инобатга олинди, қонунларда ўз ифодасини топди.

**Марҳаб ГАФУРОВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты.**

## «Ўзбекистон ўз олдига қўйган барча стратегик вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда»

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Фикримча, ўтган йили Президентининг ташаббуси билан бошланган давлат корхоналарини хусусийлаштириш дастури, унда давлат активларини хусусийлаштириш, аввало, чет эллик инвесторларга сотиш вазифалари қўйилгани ўз вақтида ташланган қадамдир. Бинобарин, иқтисодиётнинг айрим тармоқларида давлат иштирокини қисқартириш ва корпоратив бошқарувнинг замонавий тамойилларини қўллаш бозор иқтисодиёти шароитида компанияларнинг рақобатдошлигини оширишга кўмаклашди.

Яна бир муҳим жиҳат. Ўзбекистонда мулкчилик тизimini тубдан ўзгартириш борасидаги саёй-ҳаракатлар хусусий мулк ҳимоясини кафолатлаш ва бизнесни ривожлантиришга оид маъмурий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан қонунчиликни такомиллаштиришдек мажмуавий чора-тадбирлар билан бирга олиб борилмоқда. Шуниси аёнки, республика раҳбарияти тадбиркорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилиши соғлом иқтисодиётнинг гарови ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омиллигини юда яқши билади.

Кўпгина мамлакатларда ишлаб чиқаришнинг тизimini пасайиши ва истемол ҳажмининг қисқариши кузатилаётган ҳозирги пайтда Ўзбекистонда саноат корхоналари ҳамда инфратузилма иншоотлари қурилиши, шу жумладан, чет эл сармоясини иштирокидаги объектларни барпо қилиш ишлари изчил давом эттирилаётгани диққатга сазовордир.

2015 йилда умумий қиймати 7 миллиард 400 миллион долларлик 158 та йирик ишлаб чиқариш мажмуаси қурилиши якунланиб, фойдаланишга топширилгани ана шундан далолат беради.

Ўз навбатида, 2015 — 2019 йиллар учун муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва замонавийлаштириш дастури доирасида автомобиль йўллари қуриш, реконструкция қилиш, темир йўллар тармоғини янада такомиллаштириш бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ҳам алоҳида эътиборга молик.

Демак, Ўзбекистон ўз олдига қўйган барча стратегик вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда.

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

## Озиқ-овқат таъминотини мустаҳкамлаш — устувор мақсад

Президентимиз мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йуллари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузасида қишлоқ хўжалигидаги ислохотлар хусусида фикр билдириб экан, соҳага дахлдор яна бир масалага алоҳида тўхталиб ўтди. Яъни ўтган йилда Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (FAO)га аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришгани учун бериладиган мукофотга сазовор бўлган 14 давлатдан бири сифатида эътироф этилганини таъкидлади.

Бўлган витаминларга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис мева-сабзавотларимизга талаб ҳорিজда ҳам юқори. Айни пайтда халқимиз эҳтиёжидан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари яқин хорижий мамлакатлардан ташқари АКШ, Япония, Таиланд, Индонезия, Саудия Арабистони, Словакия сингари қўллаб-дав

ни ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, ўтган 2015 йилда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлайдиган 230 та корхона, 77 минг 800 тонна сигимга эга бўлган 114 та янги совитиш камераси ташкил этилди ва модернизация қилинди. Натижада республикамиз бўйича мева-сабзавотларини сақлашнинг умумий куввати 830 минг тоннадан ошди.

Бу аҳолини асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш, экспорт кўламини кенгайтириш, энг асосийси, йил давомида нарх-наво барқарорлигига эришиш имконини берапти.

Шунингдек, кейинги пайтларда чорвачилик фермер хўжаликларини ривожлантириш, уларда насли қорамошлар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Австрия, Германия, Голландия, Польша ҳамда Европанинг бошқа мамлакатларидан 60 минг бошдан ортиқ насли сигирлар келтирилиши натижасида биргина ўтган йили гўшт этиштириш ҳажми

2014 йилдаги нисбатан 3,9, сут ишлаб чиқариш 4,6 фоиз ўсди.

янги лойиҳа амалга оширилиб, 1904 гектар табиий ва 2949 гектар сунъий кўллара балиқ парваришлана бошланди.

Бундан ташқари, ирригация тизимлари ҳавза бошқармалари ҳамда сув омборлари қошида балиқчиликка ихтисослаштирилган 130 та масъулият чекланган жамият ташкил этилиб, уларда қафас усулида балиқ этиштириш йўлга

тўғрисидаги қарори бу борадаги ишларни жадаллаштиришда муҳим дастуриямал бўлади. Чунки мазкур ҳужжатда туپроқ унумдорлиги нисбатан паст, сув таъминоти огир, камрентабелли экин майдонларини қисқартириш орқали улар ўрнига мева-сабзавот, картошка, моили ва бошқа озуқабоп экинларни жойлаштириш билан боғлиқ қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари қўллаш ҳисоби.

# ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

ҳаётимиз фаровонлиги ва дастурхонимиз файзу баракасини таъминламоқда

Бундан ташқари, глобал иқлим ўзгаришлари, қуրқоқчилик, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар тўғрисида айрим давлатлар ўз аҳолисини асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан ҳам таъминлай олмапти. Шу нуқтаи назардан қараганда, бозорларимиздаги тўқинчилик, нарх-навонинг барқарорлиги мисолида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг бекиёс самарасидир.

Истиқлол йилларида экин майдонлари таркиби ўтган асрнинг 90-йилларидагига нисбатан тамоман ўзгарди. Агар ўша пайтларда асосий майдонларга чигит экилган бўлса, ҳозирги вақтда гўза парваришланадиган ерлар деярли 2 маротаба қисқартирилиб, уларнинг ўрнига дон ва дуккакли, сабзавот, полиз экинлари жойлаштирилиб, боғ ҳамда токзорлар барпо этилаётди.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда мамлакатимизда мева-сабзавот, гўшт, сут, туҳум, балиқ, асал каби маҳсулотлар этиштиришда ҳам юқори натижалар қўлга киритилаётири.

**Модернизация самараси**  
Кейинги йилларда заминимизда этиштирилган маҳсулотларни сифатли сақлаш ва чўқур қайта ишлаш инфратузилмаси

Шуни қўйиб, фермер хўжаликлари ривожлантириш, уларда насли қорамошлар сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини ошириш мақсадида Австрия, Германия, Голландия, Польша ҳамда Европанинг бошқа мамлакатларидан 60 минг бошдан ортиқ насли сигирлар келтирилиши натижасида биргина ўтган йили гўшт этиштириш ҳажми

рўёбга чиқарилган 930 дан ортиқ янги лойиҳа асосида 14 миллион 846 минг бош паррандани парвартириш учун замин яратилди. Мавзуд 320 та инкубатордан 3,2 миллион бошга яқин насли хўжалар олиниб, паррандачилик хўжаликлари ҳамда аҳолига етказилди.

Маълумки, балиқчиликни янада ривожлантириш аҳолини турли минерал моддалар, оқсилларга бой парhez гўшт билан таъминлаш имкониятларини ошириши. Шундан келиб чиқиб, мазкур тармоқни такомиллаштириш, янги хўжаликлари ташкил этиш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда турибди. Пировадарда ўтган йили ушбу йўналишида 914 та

қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, ўтган йили 2014 йилдаги нисбатан қариб 130 фоиз кўп балиқ овланди.

## Маҳсулот этиштириш ҳажмини ошириш — тўқинлик гарови

Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмларини кескин кўпайтириш, уларни қайта ишлашнинг кенгайтириши, бозорларимизнинг янада баракали бўлишини таъминлаш, нарх-наво барқарорлигини эриштириш мақсадида экспорт ҳажмини ошириб, деҳқоннинг, шу жумладан, фермерларнинг даромадини кўпайтириш, пировадарда халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш кўзда тутилган.

Президентимизнинг 2015 йил 29 декабрдаги "2016 — 2020 йиллар даврида қишлоқ хўжалигини қайта шакллантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари

Аграр соҳада олиб борилаётган ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечирishi, юртимиз тараққиётини таъминлашнинг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. Бундай ишлар қўламы йил сайин кенгайиб бораётгани, нафақат соҳада салмоқли муваффақиятларини кўлга киритишда, балки озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда, деҳқон фермерларимизнинг самарали фаолият юритишида муҳим аҳамият касб этапти.

**Акрам АРИПОВ, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг агротехнологиялар масалалари бўйича биринчи ўринбосари.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ

куйидаги профессор-ўқитувчи лавозимларига  
танлов эълон қилади.

- Солиқлар ва солиққа тортиш кафедраси: кафедра мудири.
- Инвестициялар кафедраси: кафедра мудири.
- Бухгалтерия ҳисоби, таҳлил ва аудит кафедраси: кафедра мудири.
- Чет тиллари кафедраси: катта ўқитувчи.

**Шу билан бирга, куйидаги илмий ҳамда маъмурий ходим лавозимларига танлов асосида ишга таклиф этади:**

- Ахборот-ресурс маркази: марказ бошлиғи.
  - Банк-молия тизимини ривожлантириш тадқиқотлари маркази: катта илмий ходим, илмий ходим.
- Барча профессор-ўқитувчи лавозимларига (кафедра мудири, профессор, доцент, катта ўқитувчи) ва илмий ҳамда маъмурий бошқарув лавозимларига номзодларни танлашда дунёнинг етакчи хорижий университетлари ва илмий марказларида тахсил олган (стажировкадан ўтган ёки малака оширган), илгор хорижий таълим стандартлари ҳамда технологияларни пухта эгаллаган, замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва инглиз тилидан педагогик ҳамда илмий тадқиқот фаолиятида эркин, амалий фойдаланиш имкониятига эга бўлган, ўз мутахассислиги фанининг замонавий илмий-назарий, методологик ва амалий муаммолари ҳамда ривожланиш тенденцияларини чуқур ўзлаштирган шахсларга алоҳида эътибор қаратилади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 16-уй.**

**Маълумот учун телефонлар: (0-371) 237-54-53, 237-53-61, 237-54-09.**

### «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

#### Сирдарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 16 ноябрдаги 12-1501/20733-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Абдурахмон Жомий номидига маҳаллада жойлашган, «Ховосдонмах-сулолтери» АЖга тегишли, умумий майдони 600,0 кв.м.дан иборат бўлган қурилиши тугалланмаган бино-иншоотлар кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 497 587 326 сўм.**

2. Аукцион савдосига Мирзаобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2015 йил 9 июлдаги 10-1518/9487-сонли ижро варақасига асосан хатланган, «Сирдарё агротерминал» МЧЖга тегишли, Мирзаобод тумани, «Бирлашган» ҚФЙ, Пиллакор қўрғонда жойлашган, умумий майдони 6264,70 кв.м., қурилган ер участкаси 2519,73 кв.м. бўлган идора ва ёрдамчи бинолар кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 437 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 11 апрель куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 8 апрель куни соат 18.00.

3. Аукцион савдосига Ховос тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2014 йил 6 октябрдаги 12-1403/10467-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Ховос тумани, «Пахтакор» ҚФЙ, «Ўзбекистон мустақиллигининг 5 йиллиги» СИУ ҳудудида жойлашган, «Нодира» фермер хўжалигига тегишли, 1 қаватли молхона ва бошқа иншоотлар кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 395 864 362 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 28 март куни соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 25 март куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'shmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асика» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри,  
Ўзбекистон шoҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.  
Телефон: (0-367) 226-38-91.  
Расмий сайт: www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

### «VIP REAL ESTATE» MЧЖ

#### очик аукцион савдоларига таклиф этади.

2016 йил 29 март куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Бўстонлик тумани СИБ томонидан хатланган куйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:

• ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2013 йил 27 декабрдаги 2-195-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Янгиовул» ҚФЙда жойлашган, қурилиш майдони 1195,11 кв.м., фойдаланиш майдони 468,26 кв.м., асосий бинолар сони 6 та, ёрдамчи бинолар сони 3 та бўлган куй кўраси бино-иншоотлари.

**Бошланғич баҳоси — 172 158 469 сўм.**

• ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай тумани судининг 2012 йил 19 мартдаги 1-49/12-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Бўстонлик тумани, «Нанай» ҚФЙда жойлашган, ер майдони 326,0 кв.м., фойдаланиш майдони 61,75 кв.м. бўлган, 3 та яшаш хонасидан иборат дала-ховли.

**Бошланғич баҳоси — 50 913 900 сўм.**

2016 йил 12 апрель куни соат 12.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар кўйилмоқда:

• ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 18 августдаги 2-246-15-сонли ижро варақасига асосан, Юкори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Юкори Чирчиқ тумани, «Наврўз» ҚФЙ, «Наврўз» МФЙ ҳудудида жойлашган, ҳужжат бўйича 173,3 кв.м. ва ҳужжатсиз 666,23 кв.м., жами 839,53 кв.м. ер майдонида жойлашган АЕҚШ бино-иншоотлари ҳамда 60,92 сотих ер майдонида жойлашган жижозлар.

**Бошланғич баҳоси — 345 886 000 сўм.**

• ЖИБ Тошкент вилояти судининг 2015 йил 18 августдаги 2-246-15-сонли ижро варақасига асосан, Юкори Чирчиқ тумани СИБ томонидан хатланган, Юкори Чирчиқ тумани, «Наврўз» ҚФЙ, «Наврўз» МФЙ ҳудудидаги АЕҚШда жойлашган, хуфиёна ташкил этилган 5 донна ёнигли сақлаш резервуари.

**Бошланғич баҳоси — 55 715 000 сўм.**

### «CAPITAL REALTOR GROUP» MЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital realtor group» МЧЖда 2016 йил 5 апрель куни соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2012 йил 12 ноябрдаги 10-1218/19834-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, Юкалиш кўчаси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 780 кв.м. бўлган 2 қаватли дўкон такроран кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 802 694 000 сўм.**

2016 йил 19 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан 2015 йил 30 ноябрдаги 10-1521/18679-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шoҳкўчаси, 146-«Б» уйда жойлашган, умумий майдони 309 кв.м. бўлган нотурар кўчмас мулк кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 294 000 000 сўм.**

Юкоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 20 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда «Capital realtor group» МЧЖнинг АТ «Капиталбанк» Мирзо Улуғбек филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204927571003, МФО: 01018, СТИР: 207126662.

Манзил: Тошкент шаҳри, Кушбеги кўчаси, 18-уй.  
Телефон: (0-371) 250-19-24.

Хизматлар лицензияланган.

## Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

куйидаги вақант (бўш) профессор-ўқитувчилар лавозимларига танлов эълон қилади.

- Назарий ва амалий механика кафедраси: ассистент.
- Мехнат муҳофазаси ва экология кафедраси: доцент.
- Корпоратив бошқарув кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.
- Матбаа технологиялари ва дизайн кафедраси: ассистент.
- Ижтимоий фанлар кафедраси: ассистент.
- Тўқима матолари технологияси кафедраси: ассистент.
- Тўқимачилик материалшунослиги кафедраси: катта ўқитувчи, ассистент.
- Кимёвий технология кафедраси: профессор, катта ўқитувчи.

- Костюм дизайни кафедраси: доцент.
- Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: ассистент.
- Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси кафедраси: доцент, катта ўқитувчи, ассистент.

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар куйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:

- ректор номига ариза;
- кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;
- дипломлар ва аттестатлар нусхалари;
- илмий ишлар ҳамда иштиролар рўйхати;
- малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхалари.

Аризалар эълон чоп этилган санадан бошлаб бир ой мuddатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган мuddат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда қатнашувчилар синов дарслари ўтказишади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шoҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 3-бино, 2-хона.  
Телефон: (0-371) 253-17-78.

### «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

#### Сурхондарё вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

I. Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2015 йил 3 августдаги 2-85-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Денов шаҳри, Шароф Рашидов кўчасида жойлашган, «Шашмоқашоб» агросаноат фирмасига тегишли, ер майдони 5484,39 кв.м. бўлган, 3 қаватли, 134 хонадан иборат «Евразия» меҳмонхонаси ва жиҳозлари кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 6 701 572 000 сўм.**

II. Аукцион савдосига Қумқўрғон тумани СИБ томонидан ФИБ Термиз туманлараро судининг 2015 йил 16 декабрдаги 1-5534-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қумқўрғон тумани, Арик ошган маҳалласида жойлашган, ер майдони 157,23 кв.м. бўлган маъмурий бино кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 73 750 000 сўм.**

III. Аукцион савдосига Музработ тумани СИБ томонидан ФИБ Шеробод туманлараро судининг 2015 йил 24 ноябрдаги 1-1585-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Музработ тумани, Халқобод қўрғони, Лермонтов кўчаси, 1-уй, 1-хонадонда жойлашган, фойдаланиш майдони 137,03 кв.м. бўлган, 5 хонадан иборат икки қаватли уй-жой кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 37 500 000 сўм.**

IV. Аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2016 йил 8 февралдаги 19-1502/30635-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Термиз шаҳри, В. Воҳидов (собиқ Камолот) кўчасида жойлашган, «Сурхон хумо сервис» МЧЖга тегишли, ер майдони 2058,13 кв.м. бўлган (А, А-1, Б-литерлардан иборат) маъмурий бино кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 14 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 12 апрель куни соат 18.00.

I. Аукцион савдосига Қизилқум тумани СИБ томонидан Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 июндаги 19-1306/3113-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қизилқум тумани, Сарик шаҳарчаси, Рабатмақ маҳалласида жойлашган, «Қизилқум пахта» АЖга тегишли, ер майдони 936,00 кв.м. бўлган, 21 хонадан иборат маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари такроран кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 299 500 000 сўм.**

Савдо ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти,  
Термиз шаҳри, Барқамол авлод кўчаси, 32-уй,  
«Табиркорлар маркази» биноси, 2-қават, 6-хона.  
Телефон: (0-376) 221-77-94. www.1kms.uz  
rieltstavdo@inbox.uz

Хизматлар лицензияланган.

### «REALTOR GARANT BUSINESS» MЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

2016 йил 29 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар такроран кўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 17720-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, «Янгиобод» ҚФЙ, «Алишеробод» МФЙ ҳудудида жойлашган, 3,9 гектар ер майдонида жойлашган, қурилиши тугалланмаган бинолар.

**Бошланғич баҳоси — 113 313 676 сўм.**

2. Тошкент вилояти Қибрай тумани СИБ томонидан 17254-55-сонли ижро варақасига асосан хатланган, умумий майдони 108,81 кв.м. бўлган, Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Сергели 2-дахаси, 23-уй, 13-хонадонда жойлашган тураржой.

**Бошланғич баҳоси — 72 000 000 сўм.**

Юкоридаги кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги

талабгорлардан аризалар ҳар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади ва савдо бошланишига бир иш куни қолганда соат 16.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, хар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчиси — «Realtor garant business» МЧЖнинг ХАТБ «Universbank» Тошкент шаҳар филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020800004936050003, МФО: 00996, СТИР: 207125885.

Аукцион фойдаси сотиб олган мулк қийматини 5 банк куни мобайнида тўлиқ тўлаши шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри,  
Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй.  
Телефон: (0-371) 233-09-38. Ички телефон: 258

Хизматлар лицензияланган.

### «KO'SHMAS MULK SAVDO XIZMATI» MЧЖ

#### Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судининг 23-1306/10833-сонли, 23-1509/12028-сонли, 23-1509/3769-сонли, 23-1506/5082-сонли, 23-1504/4035-сонли, 23-1502/19324-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Нукус шаҳри, Утепов кўчаси, рақамсиз уйда жойлашган, ер майдони 39555,0 кв.м., фойдаланиш майдони 11417,21 кв.м. бўлган арматура цехи, қолиплаш (формовочный) цехи, БСУ компрессор цехи, токарлик цехи, цемент омборхонаси, нимстанция (подстанция), галерея, шчит (щитовая), темир-бетон резер-

вуарлар мулккий мажмуа сифатида кўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 13 апрель куни соат 15.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2016 йил 11 апрель куни соат 18.00.

Кўчмас мулк билан тегишли шаҳар суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, АТ «Туронбанк» Нукус филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504920609003, МФО: 00585, СТИР: 207122519.

Савдо ўтказиладиган манзил: Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳри,  
А. Шамуратова кўчаси, 117-«Б» уй, 2-қават.  
Телефон: (0-361) 222-84-44. www.1kms.uz

Хизматлар лицензияланган.

Тошкент давлат шарқшунослик институти жомаси Туркий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Табошар Йўлдошевга отаси Абдуқодир Йўлдошевнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия изҳор этади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»  
ЭЪЛОНЛАР  
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача  
232-11-15,  
236-09-25.  
E-mail: reklama@xs.uz

Қорақалпоғистон Республикаси:

ЙИРИК ЛОЙИҲАЛАР, САЛМОҚЛИ НАТИЖАЛАР

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Мамлакатимизда етакчи тармоқларни модернизациялаш жараёни изчил давом эттирилмоқда...

га яратиб берилган бекиёс имконият ва имтиёзлар улар томонидан ишлаб чиқариш тармоқларини замон талаблари даражасида ташкил этишда ҳал қилувчи ўрин тутаяпти.

учун банкда ҳисоб рақами очишда қўлайликларни айтмайсиизми?! Айниқса, жойларда “Бир дарча” марказлари фаолияти йўлга қўйилган...

“Дўстлик” канали қўш соҳилининг 2,5 километрлик қисми ободонлаштирилиб, унинг бўйида қатор маданий муассасалар, хибонлар барпо қилинди.



КУШХАБАР

Кипр Республикасининг Протарас шаҳрида математика фани бўйича бўлиб ўтган “SEEMOUS” ўзини халқаро олимпиадада Ўзбекистон ёшлари иккита олтин медални қўлга киритди.

Истиқлол фарзандлари муваффақияти

Мазкур интеллектуал беллашувда йигирмадан ортиқ мамлакатнинг 43 университети жамоасининг 150 дан зиёд талабалари иштирок этди.

Ўзбекистон Миллий университетининг механика-математика факультети талабалари Ҳакимбой Эгамбергоров ва Шохрух Ибрагимов масалаларни ечишда ўзига ҳос усулни таллашди.

Халқаро олимпиада натижалари бўйича, Ҳакимбой Эгамбергоров ва Шохрух Ибрагимов биттадан олтин медалга лойиқ қўрилган бўлса, яна бир иккитдорли

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тиббий хизмат ва аҳоли саломатлиги

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб аҳоли саломатлигини муҳофазат қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

ТАДБИР

Хусусан, ўтган давр мобайнида мамлакатимизнинг барча ҳудудида замонавий тиббиёт муассасалари барпо қилиниб, улар зарур ускуналар, техника ва технологиялар билан жиҳозланди.

Пойтахтимизда ташкил этилган Европа тиббиёт ассоциациялари ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг форумида шулар хусусида сўз юритилди.

Дилмурод СОДИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қувватбахш ва фойдали

Баҳорнинг илк нёзматларидан бири — семизўт. Номига нуносиб ўсимлик юртимиз ўтлоқларида, далаларида, экин майдонларида учрайди.

КЎКЛАМ НЕЪМАТИ

Айни “илигузиди” паллада ундан егуликлар тайёрлаб истеъмол қилинса, кишига қувват бериб, кўпгина хасталиклардан фойда элади.

Мазкур бир йиллик ўсимлик таркибиде кўп миқдорда С витамини, қанд, гликозидлар, фосфор, кальций унсурлари бор.

Халқ табибатида ҳароратни туширувчи, қуқун ҳолидаги эса ич кетишни тўхтатувчи омил сифатида тавсия қилинади.

Ушбу гиёҳни барра ҳолида, ялғиз, исмалок, жажжақ каби қўқатлар билан аралаштириб истеъмол қилинган маъқул.

Дано ХҲҲАЕВА, олий тоифадаги доришунос.

СПОРТ

Бухорода “Соғлом оила” широри остида ўтказилган оилавий спорт мусобақасининг вилоят босқичи яқунланди.

Ғолиблар республика босқичида қатнашади

Соғлом она ва бола йили муносабати билан уюштирилган беллашувда қатнашчилар спортнинг саккиз тури бўйича маҳоратларини намойиш қилди.

лик А. Раҳимов ва Бухоро туманилик А. Ражабов оиласи муваффақият қозонди.

килотлари бирлашмасининг дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қизингизни узатишга шошилманг

Ёш авлод камолоти давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Бу борадаги вазифалар ижросига жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари ҳам кенг жалб этилмоқда.

МУШОҲАДА

Зеро, фарзандлар таълим-тарбияси — мураккаб, айни пайтда шарафли йомуш. Айниқса, қизларни жисмонан ва маънан етук вояга етказиш катта масъулият талаб қилиши сир эмас.

банд эдилар. Бу қизларнинг янчилири билан маҳалла фаоллари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари иштирокида суҳбат ўтказилиб, масала моҳияти аниқлаштирилди.

Тўғри, катталар тўғри тезлатиш орқали зиммасидаги мажбуриятни вақтироқ бажаришни кўзлаб иш тутганлари тайин. Бироқ масалага ҳали тўлиқ улғайиб улгурмаган қизнинг эртанги кунини, рўзгор ишларини, фарзандни дунёга келтириш, тарбиялашга жисмоний ва маънавий жиҳатдан тайёргарлиги аэтибор қаратилса, унинг нақара жиддийлиги ойдинлашади.

бирлар Косонсой, Уйчи, Янгиқўрғон ва бошқа туманлардаги ўрта махсус таълим муассасаларида ҳам уюштирилди.

орасида бундай ҳолатлар йўқ эмас. Шундан келиб чиқиб, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз қамровини янада кенгайтириш ва таъсирчанлигини ошириш пайидан бўлаётимиз.

орасида бундай ҳолатлар йўқ эмас. Шундан келиб чиқиб, олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишларимиз қамровини янада кенгайтириш ва таъсирчанлигини ошириш пайидан бўлаётимиз.

Бу фикр ва далиллар эрта никоҳнинг ижтимоий хавфини тасаввур этиш учун етарли, албатта. Ваҳоланки, қиз боланинг ортидан раҳмат эшитгунча ота-она қанчадан-қанча машаққат чекади.

Шифокорлар ҳулосасига кўра, қиз бола 17-18, ҳатто 19 ёшга кирган паллада ҳам физиологик ва психологик жиҳатдан оила қуришга, она бўлишга тўла-тўқис тайёр бўлмайди.

Ҳилола ЮСУПОВА, Наманган вилояти ҳокими ўринбосари, вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси.

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 367. 142 348 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.